

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ш.З. Жалилов, З.О. Ахроров

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

РИСОЛА

Самарқанд – 2018

Жалилов Ш.З., Ахроров З.О. Ўзбекистонда хизматлар соҳасига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш йўллари. Рисола. – Самарқанд: СамИСИ, 2018. – 38 б.

Тақризчилар: Зайналов Ж.Р. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси профессори, и.ф.д.

Мадиев А.А. – “Umed-Yoshlik” МЧЖ директори

Мазкур рисолада иқтисодиётни ҳозирги шароитда инвестицион муҳитни яратиш аҳамияти, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмини яратиш йўллари, инвестицияларни жалб этишни амалдаги ҳолати ва таҳлили, хизматлар соҳаси корхоналарини инвестицион салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

Ушбу рисола олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлари, мустақил-изланувчи-тадқиқотчилари, профессор-ўқитувчилари, коллеж ўқитувчилари, инвестиция соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Рисола “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2018 йил 26 январь 6-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Рисола Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услугий Кенгашининг 2018 йил 27 январь 4-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Кириш

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг даромади ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш устувор масалалардан биридир.

Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлашга доир чора тадбирларни ишлаб чиқиш тоғрисида бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди ва қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ва бугунги кунда микро ва макро даражаларда интенсив тарзда кечаяётган жараёнларнинг таҳлили, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида белгиланган бешта устувор йўналишларнинг мазмуни миллий иқтисодиётни юксалтиришда, янги иш ўринларини яратишда, аҳоли реал даромадларини кўпайтиришда янги имкониятлар вужудга келаётганлиги тўғрисида асосли хулоса чиқариш имконини берса, жорий 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши эса бунга кенг замин яратади.

Лекин узил-кесил ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингда 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳоланки, Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат¹.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва барқарорлигини таъминлаш йўлида ислоҳотларни амалга оширар эканмиз,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси www.president.uz

албатта унинг етакчи тармоғи бўлмиш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмасдан туриб, биз бу кўрсаткичларни юқори даражага олиб чиқа олмаймиз. Шу ўринда 2016-2020 йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизга етказиш кўзда тутилган².

Хизмат кўрсатиш соҳасида хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши ушбу таркибий тузилмада конкрет инвестицион лойиҳаларга бюджет маблағларини тўғридан-тўғри киритилишидан инвестицион жараёнларни билвосита қўллаб-қувватлаш усулларини қўллаш бўйича қайта ихтисослашишга олиб келди.

Лекин, аҳолига ижтимоий йўналишдаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор ташкилотлари иқтисодий самарадорлиги пастлиги сабабли, уларнинг бир қисми қайтадан давлат тасарруфига ўтказилди. Зарурий ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигининг пастлиги шароитида бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси кўрсаткичларининг пасайишини кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида давлат инвестиция сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштириш, инвестицияларини миллий иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Рисоланинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ҳозирги шароитда инвестицион муҳитни яратиш аҳамиятини назарий асосларини кўриб чиқиш;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль

- хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмини яратиш заруриятини асослаш;

- хизматлар соҳасига инвестицияларни жалб этишни амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

- хизматлар соҳаси корхоналарини инвестицион салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш концепцияси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилояти хизматлар соҳаси корхоналари бўлиб ҳисобланади.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири саналади.

Хизматларнинг ҳиссаси мамлакат иқтисодиётида аста-секинлик билан кўпайиб бормоқда. Олдинлар иқтисодиёт дейилганда, асосий моддий ишлаб чиқариш тушунилар эди. Эндиликда иқтисодиёт дейилганда унинг кўлами фақат ишлаб чиқариш эмас, балки минглаб хизмат турларини бирлаштирган соҳалар мажмуига айланиб бормоқда. Бу одатда ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиши эвазига содир бўладиган жараёнدير. Агарда моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошиб борса, улардан бўшаган ходимлар номоддий ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Номоддий ишлаб чиқаришнинг асосини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил қилади. Бу соҳа билан шуғулланадиган янги-янги тармоқлар вужудга кела бошлайди.

Ўзбекистонда хизмат соҳасининг ривожланиши, шу жумладан хизмат кўрсатиш корхоналарининг ташкил этилиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равишда шаклланмоқда ва ривож топмоқда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермоқда (1-чизма).

Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида самарали фаолият юритиш анъанавий иқтисодиётдаги самарали фаолиятдан тубдан фарқ қилади ва у кўпроқ ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга.

Шундай экан, самарадорликни баҳолашда мақсадга йўналтирилганлик ёндашуви ресурс-харажат ёндашувидан кескин фарқ қилади. Мақсадга йўналтирилганлик ёндашувидан фойдаланиш фаолият самарадорлигини баҳолаш имкониятини кенгайтиради. Унга асосан максимал унумдорлик –

фаолият самарадорлигини ягона параметри бўлмасдан, самарадорлик ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таснифланади.



1-чизма. Хизмат соҳасининг ривожланиш омиллари

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашда бир қанча хизматларнинг асосий турлари кўрсатилмоқда (2-чизма).




2-чизма. Хизматларнинг асосий турлари

Шу нуқтаи назардан самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш кўлами кенгаяди. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак, чунки мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳияти ва асосий вазифаларини ифодалайди, лекин ўлчов ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳал қилади.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасида 2010 йидан 2016 йилгача соҳанинг ЯИМдаги ҳиссаси ортиб борди. Хусусан, 2010 йилда ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 46,9%ни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни бўйича 49,5%га етди (1-диаграмма).

1-диаграмма

Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши³, %да



Хизмат кўрсатиш тизимида ижтимоий самарадорлиги ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди, чунки соҳа ижтимоий самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар ижтимоий самарадорликнинг мезони

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси расмий сайти маълумотлари <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

унинг мазмуни ва вазифасини ифодаласа, кўрсаткичлари эса самарадорликни ўлчаш ва баҳолаш қуроли бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Истеъмолчилик талаби қондирилишини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар.

2. Хизмат кўрсатиш вақти қисқаришини тавсифловчи кўрсаткичлар.

3. Меҳнат шароити ва характери яхшиланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар.

Бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ этишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар – ўзига шундай хизматларни бирлаштирадиган, унда унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал характердаги шахсий хизматлар). Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш - ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради, масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин, яъни шартнома тузишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда мижоз хизмат жараёнида иштирок этмайди.

Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар кирадики, уларни кўрсатишда машина ва асбоб-ускуналар салмоқли рол ўйнайди. Бундай хизматлар мижоз иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайтириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик) ўсиши характерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати - асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи

категория хизматларнинг характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ииллаш бўйича хизматлар киради⁴.

Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётнинг прогрессив сектор маҳсулоти (иқтисодиётда техника қиймати технологиялар ва унумдорликнинг ўсиши билан пасайиб боради). Иккинчи компонент - ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф-харажатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт билан ривожланаётган мамлакатларда хизматлар иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга уларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ярмидан кўпи мазкур соҳада банд шу соҳанинг улуши мамлакатларда ЯИМда ҳам ярмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам хизмат турларининг сони мингтадан ошиб кетган. Бу хизматлар таркибида молиявий хизматлар, ишчанлик хизматлари, алоқа хизмати, маиший хизматлар, ижтимоий хизматлар ва бошқа хизмат турларини келтиришимиз мумкин. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўрсатаётган хизматлари ва бу бўйича молиявий самарадорликни ошириш, иқтисодий тараққиётни таъминлашда роли муҳимдир.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмини яратиш зарурияти

Давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бу давлатнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатидир. Шундай экан, миллий ижтимоий иқтисодиётни ва

⁴ Березкин Ю.М. Финансовый менеджмент: Учеб. пособие. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1999. – с. 102.

хизматлар соҳасини яхшилаш, умуман олганда ҳар томонлама барча соҳаларни ривожлантириш фаоли инвестицияни жалб этишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати инвестиция жараёнини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Сўнгги беш йилда республикада ўсиш курсаткичи 8-8,5 фоизни ташкил қилиб бу Марказий Осиёдаги давлатлар орасида энг яхши кўрсаткич сифатида эътироф этилмоқда. Эришилган натижалар Халқаро Молиявий институтлар томонидан, жумладан Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки томонидан юқори баҳоланмоқда.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни устувор инвестицион лойиҳаларга жалб қилишга алоҳида эътибор берилди. Инвестицион фаолиятнинг эркинлиги ва ривожланишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу билан Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди. 10 апрел 2012 йилда мамлакатимиз президенти томонидан қабул қилинган ПФ-4434 “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Бугунги кунга келиб иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштиротида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хар йили 3,0 миллиарддан кўроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг хиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-

пухталигига, уни ривожлантириш истиқболлар ига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақбат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлангириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғоялар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Бунда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иқтисодиётининг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялашни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларига эътибор кучайтирилган. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ЯИМдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.⁵

Банкларнинг ўтган йиллардаги фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида ўзининг балансига берилган иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклашга янги ёндашув бўлмоқда. Йўлга қўйилган механизм бундай корхоналардаги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қўшимча сармойалар киритишни кўзда тутуди. Рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқарувнинг замонавий усуллари қўллаш янги иш ўринларини яратишга

⁵Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

кумакдашади. Янгиланган корхоналар асоснда рақ,обатбар- дош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш уларни хорижий стратегик инвесторлар учун жозибадор қилади.

Жахон тажрибаси кўрсатишича, кенг иқтисодий ислохатларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестицион лойиҳаларини самарали равишда амалиётга татбиқ этиш билан кўпроқ таъминланиши мумкин экан. Инвестицион лойиҳалар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефт ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хужалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг ҳажми ва миқдорига қараб иқтисодийда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида хулосалар чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитининг яратилгани боис қисқа муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг кўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа давр мобайнида инвестиция соҳасида ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: қонунлар ва мамлакат, Президентининг фармонлари; қарорлари; республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари; ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари; ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва

идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказо; худудий бўғинлар ва хўжалик субъектлари доирасида амал қиладиган низомлар ҳамда уставлар ва ҳоказолар Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар комплекси қуйидаги чизмада келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни келтириб чиқарадиган омиллар

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом ашё ресурслари	Минериал, хом-ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларининг эскириши даражаси.
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришниинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фак сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси.

тизими	Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузил ма	Банк тизими ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, сугурта соҳаси тармоғининг ишончилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, дарарли чиқиндилар.

Шундай экан, республикамызда қулай инвестицион муҳит яратиш, инвестицияларни хизматлар соҳаларига жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги муаммоларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ва уни рағбатлантириш концепциясини яратилишини тақозо этмоқда.

3-жадвал

2017 йилда хизмат турлари бўйича инвестициялаш ҳолати

Т/р	Хизмат турлари	Лойиҳалар сони	Ўз маблағлари ҳисобидан, млн.сўм	Банк кредитлари ҳисобидан, млн.сўм.	Яратилган иш ўринлари сони
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	50	4405	1100	183
2	Молиявий хизматлар	1	53	-	6
3	Транспорт хизматлари	53	6779	17480	612
4	Умумий овқатланиш хизматлари	114	18250	8595	666
5	Савдо хизматлари	627	153055	53062	4783
6	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	54	14614	4929	420
7	Таълим соҳасида хизматлар	13	4860	480	114
8	Соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар	55	13333	5469	376
9	Ижара хизматлари	98	6935	1340	254
10	Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	63	5561	577	193

11	Шахсий хизматлар	128	12483	3393	456
12	Меъморчилик, муҳандислик изланишлар, техник синовлар ва таҳлил соҳасида хизматлар	1	100	100	6
13	Бошқа турдаги хизматлар	24	6063	5975	170
	Жами	1281	246491	102501	8239

Хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятларини давлат томонидан тартибга солишда ушбу таркибий тузилманинг ташкилотлари самарали ривожланиши учун комплекс ёндашув амалга оширилганда бозор механизмлари билан чекланган миқдорда уйғунлашиши лозим. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши шарт-шароитларида ушбу ҳолат алоҳида долзарблик касб этади.

Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш инвестицион фаолиятни давлат томонидан самарали тартибга солиш ҳамда амалий инвестициялаш сиёсати орқали аниқланиши лозим, у эса иқтисодий, илмий-техник, жаҳон ҳамжамияти билан маданий алоқалар, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларига инвестицион капитал, шу жумладан хорижий капитал, жалб қилинишига кўмаклашувчи имкониятлардан рационал фойдаланиш ва мустаҳкамлашга асосланиши керак.

Мавжуд имкониятларни комплекс таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъекти томонидан ривожланиш стратегиясини танлаш орқали бозорнинг янги сегментларини ўзлаштириш, инвестицион стратегияларни амалга ошириш, хорижий бозорларга чиқиш бўйича энг истиқболли чора-тадбирларни аниқлаш имкони турилади. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш жараёнида режалаштирилган тадбирларни амалга оширилишини секинлаштирувчи мавжуд таваккалчиликни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Хўжалик субъектини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини

таҳлил қилиш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш жараёнида у ёки бу ташкилотнинг потенциал имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги стратегик мақсад йўналишда қабул қилинаётган тактик чора-тадбирларни аниқлаб беради, бу эса кучайиб бораётган рақобат шароитида нисбатан самарали ва хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини бозор конъюнктурасига ўз вақтида мослашиш имконини берувчи бошқарув воситаларини ўздаштириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш жараёнида ушбу таркибий тузилма ташкилотлари фаолият юритиш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб концессия шартномаларини тўзиш ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки турли инвестицион лойиҳаларни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширишда давлат ва хусусий капитал ўзаро ҳамкорлигининг турли шаклларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хусусийлаштириш;
- концессион лойиҳалар;
- френчайз тизими;
- шартномали тизим (шартнома тизими);
- лизинг.

Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши уларни субсидиялаш билан боғлиқ (шу жумладан инвестициялаш мақсадларида) давлат молиялаштиришини сезиларли даражада қисқаришига олиб келди.

Бунда шуни ҳам таъкидлаб утиш керакки, хусусийлаштириш аҳолига турли йўналишлардаги хизматлар такдим этувчи алоҳида ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий табақалашиш даражасининг кучайишига олиб келди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида хусусийлаштириш жараёнининг амалга

оширилиши ушбу таркибий тузилмада конкрет инвестицион лойиҳаларга бюджет маблағларини тўғридан-тўғри киритилишидан инвестицион жараёнларни билвосита қўллаб-қувватлаш усулларини қўллаш бўйича қайта ихтисослашишга олиб келди.

Лекин, аҳолига ижтимоий йўналишдаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор ташкилотлари иқтисодий самарадорлиги пастлиги сабабли, уларнинг бир қисми қаайтадан давлат тасарруфига ўтказилади.

Зарурий ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигининг пастлиги шароитида бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси кўрсаткичларининг пасайишини кучайишига олиб келади.

Францайз муносабатлари тизимида хусусий тадбиркор давлатдан тайёр объектни муайян келишилган муддатга эксплуатация қилиш учун ва ўзига даромад олиш ҳамда жалб қилиш эҳтимоли булган қўшимча инвестициялар таваккалчилигини олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий тадбиркорларнинг бундай муносабатларини шакли асосан аввалдан фаолият юритиб келаётган хўжалик субъектларининг ҳудудларда (минтақа) бўлимларини (вакилликларини, ваколатхоналари) очиш ёки уларнинг алоҳдда компанияларга ажралиб чиқишида қўлланилиши мумкин.

3. Хизматлар соҳасига инвестицияларни жалб этишнинг амалдаги ҳолати ва таҳлили

Хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларига жалб қилинаётган турли шакллардаги хусусий инвестициялар иштирокининг самарадорлигини баҳолашда субъектив нуқтаи назардан уларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди. Лекин, олинган натижалар хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини ривожлантириш жараёнида давлат ва хусусий

инвесторларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқ деб хулоса чиқариш имконини беради.

Мавжуд бозор конъюнктураси, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ушбу таркибий тузилма хўжалик субъектлари фаолият юритишидаги ўзига хос хусусиятлар, мавжуд ресурслар ва вертикал-горизонтал алоқалардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларига хусусий капитални жалб қилишнинг у ёки бу шакллари қўллаш мумкин.

Ривожланиш босқичи ҳам муайян миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш зарурати ҳамда ҳар хил турдаги хатарларнинг (таваккалчилик) пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бундай шарт-шароитларда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарали ривожланмайди ва ўзларининг рақобат салоҳиятини ошира олмайдилар.

Шу сабабли замонавий (аҳолига ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар бозори, одатда ушбу хизматлар ижтимоий характер касб этиб, алоҳида ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлади) бозор талабларга жавоб берувчи ривожланишнинг зарурий босқичида инвестицион оқимларни жадаллаштириш борасидаги амалий чора-тадбирларни қидириш муҳим ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ўсиш босқичи муайян хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин, ушбу корхоналарнинг фаолияти стратегик истиқболда фойдани чиқариб олишга қаратилган бўлиши мумкин.

Улғайиш босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан аҳолига зарурий хизматлар тақдим этилиши жараёнида ташқи муҳит омилларининг таъсир этиш даражаси пасайиши кузатилади, фойда миқдори кўпайиб боради. Шу сабабли ушбу босқичда иқтисодий самара мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий

соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси истиқболли ва тез ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатишнинг у ёки бу кўриниши билан шуғулланмайдиган ёки алоқадор бўлмаган корхоналар деярли қолмади.

Вилоят иқтисодиётини изчил ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси жуда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам ўтган йилда меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, 1136 та хизмат кўрсатиш шахобчаси ташкил этилиб, 5600 та иш ўрни ташкил этилди⁶.

2-жадвал

2017 йилда Самарқанд вилояти бўйича кўрсатилган хизматлар жами⁷

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Жами хизматлар, млрд. сўм	2016 йилга нисбатан % ҳисобида
	Вилоят бўйича	6021,0	113,3
1	Самарқанд шаҳри	2365,5	113,3
2	Каттақўрғон шаҳри	115,5	111,2
	Туманлар		
3	Булунғур	211,3	113,5
4	Жомбой	202,2	114,5
5	Иштихон	264,7	112,6
6	Каттақўрғон	284,6	114,4
7	Нарпай	216,7	113,4
8	Нуробод	158,9	113,4
9	Оқдарё	180,2	112,6
10	Пайарик	264,8	115,2
11	Пастдарғом	403,6	113,4
12	Пахтачи	143,1	113,5
13	Самарқанд	339,7	112,1
14	Тайлоқ	230,6	113,5

⁶ 2017 йилнинг январ-декабр ойларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида. www.samarkand.uz расмий сайти маълумотлари

⁷ Ўша ерда

15	Ургут	513,0	112,5
16	Қўшработ	126,5	114,8

Самарқанд вилояти бўйича 2017 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 9,2, чакана савдони 13,2, хизматлар кўрсатишни 11,4 фоизга кўпайтириш юзасидан аниқ ва манзилли чора-тадбирлар белгиланган⁸.

4. Туризмни мақсадга йўналтирилган инвестицион капитал қўйилмаларни жалб этиш орқали қўллаб-қувватлаш масалалари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти устувор даражада хизмат соҳа корхоналарини, шу жумладан, туристик корхоналарни қай даражада инвестицион капитал оқимлари билан таъминланганлигини унда туристик корхоналарнинг хусусий капиталини даражаси билан боғлиқ. Туристик корхоналарнинг хусусий капиталидан келиб чиқиб ўз-ўзини молиялаштириш қобилиятини янада ошириш ҳозирги кунда долзарб муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда.

Туристик корхоналар фойдасини таҳлил қила туриб бўш молиявий манбаларни жалб қилиш ва фойдаланиш даражасига баҳо бериш мумкин. Шу билан бирга, вужудга келиши мумкин бўлган молиявий тушумларни ҳисобга олган ҳолда келгусида фойдани прогнозлаштириб, ўзлаштирилган ташқи капитални қайтариш учун маблағларнинг потенциал манбаларини оқилона баҳолаш мумкин.

Туристик корхоналар капитал қўйилмаларни топишда фаолиятнинг ҳимоявий ёки хужумкор стратегиясини қўллаш мумкин. Бу стратегиялар хусусиятларини таққослаш қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

⁸ Ўша ерда

**Туристтик корхоналар капитал қўйилмаларни оширишда фаолиятнинг
ҳимоявий ва ҳужумкор стратегиялари таққослама жадвал**

Стратегия элементлари	Ҳимоявий стратегия	Ҳужумкор стратегия
<i>Бош мақсад</i>	- қисқа муддатда молиявий оқимлар узлуксизлигини таъминлаш; - жорий хатарликни чеклаш; - молиявий барқарорликни сақлаш; - қисқа муддатда фойдани максималлаштириш.	- узоқ муддатли даврда даромадни максималлаштириш; - молиявий барқарорликни ошириш.
<i>Корхона таркиби</i>	- вақт ўтиши билан таркибни кучайтиришга ҳаракат қилиш.	- таркибий ўзгартириш.
<i>Атрофдагиларга муносабат</i>	- бозордаги ўрнини сақлаш; - бозор тўсиқларига мослашиш.	- бозордаги ўрнини яхшилаш; - рақобатбардошлиликни ошириш; - атрофдагилар тақдим этган имкониятлардан фойдаланиш; - атрофдаги ўзгаришларга эластик мослашиш.
<i>Рискка муносабат</i>	- рискни минималлаштириш.	- рискнинг юқори даражасини ўтказиб юбориш.
<i>Вақтинчалик горизонт</i>	- қисқа муддатли тадбирларни ўтказиш; - жорий фаолиятга мослашиш.	- узоқ муддатли тадбирларни ўтказиш.
<i>Капитал қўйилмаларга эҳтиёж</i>	- айланма маблағларни тўлдиришда биринчи навбатда эҳтиёжни таъминлаш; - қисқа муддатли капиталларни топиш; - ўзини ўзи молиялаштириш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш.	- ривожланиш дастурини амалга оширишда узоқ муддатли капиталларни топиш; - молия бозорида имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш; - рискли капитал жалб қилишнинг зарурияти; - капитал таркибини оқилона ташкил этиш.

Ўз-ўзини молиялаштиришни тўғри баҳолаш имконияти корхона келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан, бу имконият инвестицион тадбирларнинг масштабини аниқлашни, бошқа томондан ташқи капитал ҳисобидан қопланиши лозим бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш имконини берувчи молиялаштириш учун етарли бўлмаган маблағлар ва ривожлантиришга ҳаракат қилиш ўртасидаги зиддиятни келтириб чиқаради.

Корхоналарнинг операцион эҳтиёжларини молиялаштиришда қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

- қарама-қарши томонлар билан қўшимча келишувларга эришишда тўловларнинг қулай шартлари, товар кредитидан фойдаланиш, ҳаттоки тўловларни тўлиқ тўхтатиш орқали пулли тўловларни чеклаш;

- қарздорликни сотиш, векселларни дисконтлаш ёки молия бозорида қисқа муддатли қимматли қоғозларни сотиш оқибатида айланма маблағлар таркибини ўзгартириш;

- банк кредитлари ёки қисқа муддатли қимматли қоғозлар эмиссияси ёрдамида қисқа муддатли қарздорликни ошириш.

Туристтик корхоналарнинг капитални кўпайтиришга қаратилган фаолияти инвестициялаш деб юритилади. Туристтик корхоналар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: молиявий (капитал) ва моддий (реал) инвестициялар.

Молиявий инвестициялар банк ҳисобрақамларида капитални жойлаштириш, қимматли қоғозлар (масалан, облигация ёки хазина мажбуриятлари)ни жалб қилиш, шунингдек бошқа фирмалар ҳиссаларини жалб қилиш билан изоҳланади.

Манбаларни жойлаштириш бўйича фаолият туристик корхоналар учун муҳим аҳамият касб этадики, капитал қўйилмалар сабабли нафақат келгуси мажбуриятларни амалга ошириш учун таъминот бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ҳисса қўшувчи корхоналар учун қўшимча фойдасини бўлиб ҳам хизмат қилади.

Реал инвестициялар – бу турфирмаларнинг мол-мулкининг моддий қисмини тўлдириш (бино, транспорт воситалари ва ҳ.к.), шунингдек амалга оширилаётган лойиҳалардан тўғри фойдаланишда зарурий айланма капитални шакллантириш харажатларидир.

Бу инвестициялар гуруҳига шунингдек номоддий инвестициялар деб юритиладиган номоддий қийматликларни яратиш ёки жалб этишдаги турфирмалар харажатларини киритиш мумкин.

Туристтик корхоналар томонидан амалга ошириладиган моддий инвестицияларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) яхши техник ва иқтисодий тавсифларга эга бўлган асосий воситалардан фойдаланишдаги инновацион-замонавий инвестициялар;

2) қуйидаги фаолиятларни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар:

- мавжуд бозорда аввал яратилган маҳсулотларни тараққий эттириш билан боғлиқ ривожлантириш (бундай лойиҳаларни бош мақсади кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини оширишдир);

- мавжуд бозорда янги маҳсулотларни йўлга қўйиш билан боғлиқ ривожлантириш;

- янги бозорларда янги маҳсулотларни йўлга қўйилиши ва пайдо бўлиши билан боғлиқ ривожлантириш;

- бошқа инвестициялар.

Туристтик секторни мақсадли инвестицион капитал қўйилмаларни жалб этиш орқали қўллаб-қувватлаш кам самарали туристтик корхоналарнинг туристтик хизматлар бозоридан чиқиб кетишини олдини олиш, замон талабларига мос, рақобатбардош корхоналарни вужудга келишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Инвестицион жараёнларнинг энг яхши кўрсаткичи сифатида инвестицион харажатларнинг ўсиш суръатлари, ижобий таркибий ўзгаришлар билан тўлдиришларни ҳисоблаш мумкин.

Туристтик корхоналарда молиявий ресурсларнинг минимал йўқотишларини таъминловчи инновацион технологиялардан фойдаланиш,

асосий фондларни ўз вақтида лизинг асосида янгилашни таъминлаш, турмахсулотларнинг янги турларини яратиш, туристик ресурслардан стратегик хизмат йўналишларда фойдаланишни инновацион йўналиши мазмунини ташкил этади. Ўз навбатида, унинг ижтимоий йўналиши инвестицияларни жалб этиш бўйича тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибалардан фойдаланиш, сайёҳларнинг хордиқ олиши ва дам олишига шароит яратиш, ресурсларни иқтисод қилиш бўйича масъулиятни рағбатлантириш бўйича тадбирларни қўллаш ва ходимлар малакасини оширишни назарда тутди.

5. Хизматлар соҳаси корхоналарини инвестицион салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш йўллари


Маълумки, инвестицион салоҳият деганда иқтисодий фаолиятда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш заҳиралари, қувватлари, кучлари, имкониятлари кабилардан иборат ресурслар йиғиндиси тушунилади. Инвестицион салоҳият фойда олиш ёки ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган активларга маблағ киритиш имкониятлари даражасини тавсифлайди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 31,8 триллион сўмни ташкил этди, 2009 йилга нисбатан эса 113,4 фоиз ўсишга эришилди. 2011 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсди ва 41083 миллиард сўмни ташкил этди. Йил якунлари бўйича хизматларни диверсификация қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хизматлар соҳасида ўсишга эришилди ва 2011 йилда унинг улуши ЯИМнинг 50,5 фоизини ташкил этди, 2010 йилда бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этган эди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари

кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Инвестицион салоҳият мамлакатда асрлар давомида шаклланган бир қанча омиллар йиғиндисини акс эттиради. Бу омиллар ишлаб чиқариш, табиий ресурс, меҳнат, инновацион, истеъмол ҳамда молиявий салоҳиятнинг молиявий салоҳиятикаби омилларни қамраб олади (1-чизма).



1-чизма. Инвестицион салоҳият

Табиий ресурс салоҳияти табиий ресурслар миқдори ва сифати, иқлими, табиий-географик шарт-шароитларини ўз ичига олади. Табиий ресурс омиллари меҳнат ресурсларини жойлаштиришда муҳим ўрин тутди ва қуйидагиларни яъни: минерал ресурслар (фойдали қазилмалар); ер ва сув ресурслари; ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқаларни қамраб олади.

Ушбу жойларда турли хизмат кўрсатиш комплексларини очиш имконияти катта бўлади.

Меҳнат салоҳияти иқтисодий фаол аҳоли сони, ёши, аҳолининг билим даражаси кабиларни тавсифлайди. Шунингдек, интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришга лаёқатли, билим, малака, маҳоратга эга бўлган кишилардан иборат бўлса, у жамият аъзоларининг илмий, маърифий, маънавий, интеллектуал салоҳиятини кўрсатади. Қоида тарзида, хорижий инвесторларни малакали иш кучи ва арзон иш ҳақи тўланадиган ҳудудлар жалб қилади.

Хизматлар соҳалари корхоналари салоҳияти мамлакатдаги мавжуд хизматлар соҳаси корхоналарининг сифатли хизмат воситалари, иқтисодиёт таркиби, казиб олувчи, қайта ишловчи саноат тармоқлари, муваффақиятли амалга оширилган инвестицион лойиҳалар сони (хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари томонидан амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни ҳам кўшган ҳолда), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва бошқаларни ифодалайди.

Техника – технология салоҳияти, машина – механизмлар миқдори, уларнинг таркиби, технологик тизим кабилардан иборат бўлиб, у фан ютуқлари ва уларни қай даражада тадбиқ этилиши билан боғлиқ.

Инновацион салоҳият илмий тадқиқот ишланмалари, техника ва технологияларнинг янгиланиш даражаси (янги авлоди), янгиликларини тавсифлайди.

Истеъмол салоҳияти инвесторлар томонидан хизмат кўрсатиш маҳсулотларини ички бозорда қанча улуши сотилиши, шу асосда талабни ўрганиш, рақобатчилар ва аҳолининг даромадлари даражаси сифатида қаралади.

Молиявий салоҳият хизмат кўрсатиш соҳасини молиявий имкониятлари, истеъмол ва жамғарманинг нисбати, банк соҳасида пул – кредит ва депозит сиёсати, ташқи қарзлар ҳолати, ички захиралар ва бошқаларни характерлайди.

Инвестицион салоҳиятни ифодаловчи ушбу омиллар хорижий тадбиркорларнинг муайян мамлакатга инвестиция қилишининг асосий сабабларидан бўлиши мумкин. Бироқ инвестицион салоҳият хорижий инвестицияларнинг узок муддат давомида барқарор кириб келишини кафолатлай олмаслиги мумкин.

Хизмат кўрсатувчи соҳаларга қулай инвестицион муҳит ва уни рағбатлантириш концепциясини яратиш инвестицион салоҳиятни оширади. Бу “ҳазм қилинмаган” бойлик ҳисобланади. Инвестицион муҳитни баҳолаш, айнан, инвестицион шарт – шароитларга асосланади. Инвестицияни рағбатлантириш, яратиш комплексига қуйидагилар ҳисобга олинишини тақозо этади:

- умуқиқтисодий шарт-шароитлар – ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, фоиз ставкаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби, тўлов баланси, монополизм даражаси, валюта конвертацияси, ташқи қарз, инвестициялар ҳажми ва молиялаштириш манбалари, давлат бюджети дефицити ва бошқалар;

- сиёсий шарт-шароитлар – мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, инвестиция фаолиятини тартибловчи ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ва уларга яратилган кафолатларни таъминловчи меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва амал қилиши, жинойтчилик ва коррупция ҳолати ва бошқалар;

- бозор механизми шарт-шароитлари – бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги: банк, суғурта, фонд бозори, транспорт ва алоқа, рақобат ва нарх шаклланиши ва ҳоказо;

- ахборот таъминоти шарт-шароитлари – ахборот телекоммуникацияларининг ривожланганлиги, рақобатчилар тўғрисидаги маълумотларни тезкорлик билан олиш имкониятлари, маҳаллий ҳамкорлар тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги ва бошқалар;

- экологик шарт-шароитлар – мамлакатдаги экологик ҳолат, мамлакатда ва қўшни давлатларда экологик хавфли ҳудудларнинг


мавжудлиги, халқаро қонунчиликдаги экологик меъёрларга амал қилиш ҳолати ва бошқалар;

- ижтимоий-маданий ва этнографик шарт-шароитлар – маҳаллий аҳолининг менталитети ва маданияти, аҳолининг ҳаёт тарзи ва турмуши, жамиятнинг хорижий инвестицияларга бўлган муносабати ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатда инвестицион салоҳиятни оширишни рағбатлантириш концепциясига бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, мамлакатнинг табиий бойликлари ва менерал хом ашё ресурслари ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги, мамлакатдаги ишлаб чиқариш омиллари, инвестиция ва тадбиркорлик, давлат даромадлари ва харажатлари, ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари, экспорт имкониятлари, корхоналар фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, хусусийлаштириш жараёнлари, аҳолининг бандлиги, даромадлари, харажатлари ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткичларнинг ижобий ҳолати Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини янада ошириш имкониятларини яратади. Уларни гуруҳлаган ҳолда қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-чизма):

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакат хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда ҳукуватимиз томонидан қабул қилинаётган давлат дастурлари муҳим ўрин тутмоқда. Худудларнинг барча соҳалари салоҳиятини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш доирасида 2013-2015 йилларда Худудларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида республика бўйича жами қиймати 12,7 млрд. АҚШ долларига тенг 29,4 мингта, жумладан: 7 мингта саноат, 17,1 мингта сервис ҳамда 5,3 мингта қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган. Хусусан худудларнинг турли соҳа корхоналари салоҳиятини ривожлантириш дастурларига мувофиқ, 2013 йилнинг 9 ойида 2426 та лойиҳага 290,1 млн.АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилган эди.



2-чизма. **Инвестицияни жалб этишни рағбатлантириш концепциясини ифдаловчи омиллар**

Амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида ҳудудларда 55 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, шундан 25 фоизи хизматлар соҳаларида.

Ҳудудларда тижорат банклари иштирокида амалга оширилаётган айрим инвестицияни рағбатлантириш бўйича эришилган натижаларга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги “SamAntepGilam” қўшма корхонаси томонидан 5 млрд. Сўм миқдорида ажратилган кредит ҳисобига гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик линияси сотиб олинди.

Натижада корхонада 20та янги иш ўрни яратилди, жорий йилнинг 3 ойи давомида эса 4,5 млн.АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Ушбу ҳолат корхона қошида 4 та хизмат кўрсатиш шаҳобчасини очиш имкониятини ҳам яратиб берди.

Хулоса қилиб айтганда инвестицияни давлат томонидан рағбатлантириш концепциясини амал қилиши натижасида инвестицияларнинг мамлакат хизматлар сифатини ошириш ва муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти янада ортиб бормоқда

Хулоса

Замонавий технологияларнинг ривожланиши билан хизмат кўрсатишнинг ҳам имкониятлари кенгаймоқда. Хизмат кўрсатиш тармоқларида банд бўлган аҳолининг кўпчилиги норасмий тарзда фаолият юритаётганликлари (масалан ошхона, сартарошхона, кафе, гўзаллик салони, транспорт хизматлари ва бошқалар)ни бартараф этишга эришиш лозим. Юқорида келтирилган хизмат турлари асосан қишлоқ жойларда норасмий равишда юритилади. Табиийки, бу хизмат кўрсатиш соҳасидаги активликни қоғозда акс этишини камайтиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожда қуйидаги масалаларни мукамал равишда кўриб чиқиш керак деб ўйлаймиз:

- соҳа мутахасисларини тайёрлашга доир чора тadbирларни сони ва сифатини ошириш;
- айнан хизмат кўрсатиш соҳасига доир инновацион лойиҳаларни кўпайтиришни рағбатлантириш тизимини шакллантириш;
- Мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;
- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микро босқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;
- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микро босқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;
- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда това экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;
- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш асосида халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- Чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур;

- иқтисодиётнинг баъзавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

- тасдиқланган лойиҳалар доирасида уларни молиявий таъминлаш ҳамда жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини кўпайтириш;

- яратилган тармоқларга доир техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳамда уларга чет эл сармоядорларини жалб қилиш, қайта молиялашга доир имтиёزلарни кенгайтириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини устувор тамойил сифатида халқимиз онгига етказиб бериш ҳамда ўзимизга сингдириш.

Давлат иқтисодий сиёсатининг амалий воситаларини қўллаш орқали бутун бир халқ хўжалиги мажмуасини тартибга солишнинг (бошқариш) замонавий талабларига жавоб берувчи давлат хўжалик юритиш тизимини шакллантириш асосли ҳисобланади. Давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган инвестициялаш сиёсатини хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилиши давлат, инвесторлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун замин яратиш орқали амалга оширилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инвестицион муҳитни яхшилашни ва маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни тармоқларга жалб қилишни мукамал режа тадқиқотлар асосида ишончли ва ўзининг ишига масъулаят билан ёндашадиган раҳбар ва ходимларга топшириш керак. Чунки айнан улар

инвестицион ҳудудни аниқлаб, чет эл сармоядорларига тадбиқ қилади ва уларни жалб қилишга доир амалий ишларни олиб боради.

Албатта бу тармоқларни молиявий жиҳатдан тўла таъминлаб бериш қийин. Шунинг учун ҳам ҳозир айнан 5 йиллик, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида шу тармоқларга кўпроқ инвестицияларни жалб қилишни олдимизга мақсад қилишимиз керак. Кейинчалик эса бу тармоқлар ўзини-ўзи молиялаш қудратига эга бўлибгина қолмасдан бошқа соҳа вакилларига ҳам инвестиция киритиш қудратига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси www.president.uz
8. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
9. Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2011.
10. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
11. Березкин Ю.М. Финансовый менеджмент: Учеб. пособие. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1999. – с. 102.

- 12.Бланк А. Инвестиции. - М: Дело, 2008. - 260 с.
- 13.Бочаров В.В. Инвестиции: учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008. - 384 с.
- 14.Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
- 15.Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
- 16.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий тахрири остида. - Т.: Молия, 2010.- 328 б.
- 17.Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
- 18.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
- 19.Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
- 20.Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
- 21.Саидов Д., Куллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
- 22.Хасанов Р. ва б. Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 192-б.
- 23.Шарп У.Ф., Александр Г.Ж., Бэйли Ж.В. Инвестиции: Пер. с. англ. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 1028 с.
- 24.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 25.Эргашева Ш, Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -208 б.
- 26.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
- 27.Интернет сайтлари:

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

Мундарижа

Кириш.....	3
1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.....	6
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмини яратиш зарурияти.....	10
3. Хизматлар соҳасига инвестицияларни жалб этишнинг амалдаги ҳолати ва таҳлили.....	18
4. Туризмни мақсадга йўналтирилган инвестицион капитал кўйилмаларни жалб этиш орқали қўллаб-қувватлаш масалалари.....	21
5. Хизматлар соҳаси корхоналарини инвестицион салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш йўллари.....	25
Хулоса.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	35

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма №
Ҳажми 2,4 б.т.
Адади 50 нусха